

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВ ИХТИЁР НИГМАТУЛЛАЕВИЧ

**ТАРИХИЙ-БАДИИЙ МАНБАЛАРДА БОБУР ОБРАЗИ
ТАЛҚИНИГА БИОГРАФИК ЁНДАШУВ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич

Тарихий-бадий манбаларда Бобур образи талқинига

биографик ёндашув 5

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич

Биографический подход к интерпретации образа Бабура в исторических и литературных источниках..... 23

Kamolov Ikhtiyor Nigmatullayevich

Biographical approach to the interpretation of the image of Babur in historical and literary sources..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВ ИХТИЁР НИГМАТУЛЛАЕВИЧ

**ТАРИХИЙ-БАДИИЙ МАНБАЛАРДА БОБУР ОБРАЗИ
ТАЛҚИНИГА БИОГРАФИК ЁНДАШУВ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil1741 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қувватова Дилрабо Хабибовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эрназарова Гулноза Хамраевна филология фанлари доктори, доцент Сулоймонов Исроилжон Исомиддинович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17). (Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети Бош биноси, 205-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.д. (DSc), доцент

Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги ва тарихшунослигида герменевтик, социологик, психологик методларининг моҳияти, унда биографик ёндашувнинг устуворлиги ҳамда тарихий шахслар ҳаётига бағишланган асарларни таҳлил қилишдаги афзаллиги ва аҳамиятини ёритиб бериш доимий эътиборни тортиб келмоқда. Шу жиҳатдан, халқимиз ўтмиши, буюк бобокалонларимиз ҳақида яратилган бадиий асарлардаги тарихий ҳақиқатни юзага келтирган сабабларни изчиллик билан ёритиш адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Жаҳон адабиётшунослиги ва тарихшунослигида дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган машҳур шахслар ҳақида рус, инглиз, француз ва дунёнинг бошқа тилларида яратилган тарихий-бадиий асарларни биографик ёндашув асосида қиёсий аспектда текшириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан турли тилларда яратилган муайян тарихий шахс ҳаёти ифода этилган биографик хроника, роман ва қиссаларни қиёсий-типологик жиҳатдан текшириш, адабий-тарихий жараёни биографик метод тамойиллари орқали аниқлаш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Истиқлол йиллари ўзбек адабиётшунослиги ва тарихшунослигида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти тасвир этилган асарларга хос муҳим жиҳатларни очиб беришга катта эътибор берилмоқда. “Бобур Мирзо – халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшаяпти. Ўзликимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз”¹. Шу жиҳатдан, улуғ тарихий сиймо ҳақида яратилган тарихий-бадиий манбаларни биографик ёндашув тамойиллари асосида қиёсий жиҳатдан текшириш ва умумлаштириш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Андижон вилояти “Боғи Бобур” истироҳат масканида сўзлаган нуткидан. 05.06. 2017.

ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослиги ва тарихшунослигида тарихий шахслар, хусусан, Бобур ҳаётини ўрганиш юзасидан У.Эрскин, П.Шарма, А.Стил, А.Бевеерж сингари хориж олимларининг ишлари кенг миқёсда ўрганилган. Бу ишларда кўпроқ Бобур биографияси ва унинг хотирномаси “Бобурнома” асари тадқиқ этилган². Рус шарқшунослигида Н.Ильминский, А.Самойлович, Г.Благоваларнинг илмий изланишлари бу мавзу бўйича фундаментал ишлар ҳисобланади³. Ўзбек адабиётшунослиги ва тарихшунослигида С.Азимжонова, Ҳ.Ҳасанов, Ш.Бобожонова, О.Ҳусанбоев, В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, В.Зоҳидов, В.Раҳмонов, Л.Қаюмов, С.Ҳасанов, Р.Воҳидов, Ғ.Муродов сингари олимларнинг ишларида Бобур, унинг ҳаёти ҳамда у тузган салтанат тарихи ёритилган⁴. Шу билан бирга Н.Расулзода, С.Жамолов, Ғ.Саломов, С.Ҳасанов, Ҳ.Болтабоев, Х.Назарова, Ҳ.Қудратуллаев, Н.Отажонов, Л.Ходжаева, С.Шукуруллаева, Ф.Салимова, Н.Жиянова, А.Иброҳимов, М.Собиров, Р.Каримов, Т.Юлдашев, З.Холманова, М.Абдуллаева,

² Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б. 112. Шарма Л. Бобурийлар салтанати. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 21. Stil A.S. King-Errant. New York F.A.Stokes company publishers, 1912. – 187 p. Beveridge, Annette Susannah (ed.). The Babur-nama in English (Memoirs of Babur). – London. 1922. – 880 p. The History of Humayun by Gulbadanbegam. Translation by A.S.Beveridge. – London, 1902. – 144 p.

³ Бабернаме или Записки султана Бабера. Изданы в подлинном тексте Н.И.Ильминским. – Казань, 1857. – С. 4. Самойлович А.Н. Собрание стихотворений императора Бабура. Часть 1. Петроград. 1917. – С. 3. Благова Г.К истории изучения Бабернаме в России. Тюркологический сборник. – М., 1966. – С. 169.

⁴ Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и в Индии (социально-экономическая политика Бабура в первой трети XVI Века). Автореферат дисс... д-ра инс. наук. – Ташкент, 1969. – 60 с. Ҳасанов Ҳ. З.М.Бобир ва унинг географик мероси. Номзодлик диссертацияси. – Тошкент. Бобожонова Ш.Ш. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. Фалсафа фанлари номзоди...дисс. //ЎзФА И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Ташкент, 2002. – 165 б. (Библиогр. – Б 172). Ҳусанбоев О.О Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари. Юридик фан. номзоди... дисс. // ЎЗР Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти. – Ташкент, 2006. – 132 б. Абдуллаев В.Бобур ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1983. Валихўжаев Б. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Тошкент: Фан, 1978. Зоҳидов В. Бобурнинг фаолияти ва ижодий мероси. – Тошкент: Шарқ юлдузи, 1968. Раҳмонов В. Заҳириддин Муҳаммад исми ҳақида. 6-сон. – Тошкент: Тил ва адабиёт таълими, 2000. Қаюмов Л. Бобур. 3-4 сонлар. – Тошкент: Шарқ юлдузи, 1983. Ҳасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Тошкент: Шарқ, 2002. Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур. – Тошкент: Маънаият, 1999. Муродов Ғ. “Юлдузли тунлар” романида бадиий кодлар // БухДУ илмий ахборотлари. 1-сон. – Бухоро, 2000. – Б. 23-27.

Д.Ҳошимова, И.Сулаймонов каби олимларнинг тадқиқотларида Бобурнинг “Бобурнома” асари, унинг тили, услуби, таржималари ўрганилган⁵.

Таъкидлаш кераки, юқоридаги тадқиқотларда Бобур фаолияти соф адабиётшунослик, соф тилшунослик ва соф тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ва жаҳон адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотимизда бошқа илмий ишлардан фарқли ўлароқ, Бобур образига биографик ёндашув жаҳон тарихшунослиги ва адабиётшунослиги нуқтаи назаридан қиёсий аспектда яхлит бадиий тизим сифатида тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Филология фанларининг долзарб муаммолари” мавзуси (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли даврларда ўзбек ва жаҳон шарқшунослигида яратилган бадиий ва тарихий асарларда Бобур ҳаётининг ёритилишини биографик ёндашув асосида илмий далиллашдан иборат.

⁵ Расулзода Н. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асари ва унинг текстологик тадқиқи. Филол. фан. номзоди... дисс. автореферати. //X. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти. – Тошкент, 1935. Жамолов С. “Бобурнома”нинг бадиий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 1961. Гайбуллоҳ ас-Салом, Н.Отажон. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент: А.Қодирий, 1996. Хасанов С. Трактат Бабура об арузе. Автореф. дисс. на сосик. канд. филол. наук. – Тошкент: Фан, 1972. // СамГУ. Список раб. авт. 5 назв. Атаджанов Н. Художественный перевод и научное комментирование: на материале переводов «Бабурнаме». Дисс. канд... филол. наук. – Ташкент, 1978. – 156 с. Болтабоев Ҳ. “Бобурнома”нинг берилмаган саҳифалари. – Тошкент: Адолат, 2004. Назарова Х. Синтаксический строй языка «Бабурнаме» Захриддина Мухаммеда Бабура: дисс. на соискание доктора фил. наук. – Ташкент, 1979. – 380 с. С табл. // Пед. институт им. Низами. Қудратуллаев Ҳ. “Бобурнома”нинг адабий-тарихий ва услубий таҳлили: доктор. илм. дар.. дисс. – Тошкент, 1998. Ходжаева Л.У. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Литературоведческий аспект. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Андижан, 1985. Шукуруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах [English] (Дж.Лейдена, У.Эрскина и А.Беверидж). Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1989. Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики «Восточно-тюркского словаря» Павел де Куртейла и переводов «Бабурнаме». Автореферат дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1997. – 26 с. Жиянова Н.Э. “Бобурнома”даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари: филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2000. Иброҳимов, А.П. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол. фан. номзоди дисс...автореф // Ўзбекистон Респ. олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти. – Ташкент, 2001. Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден, Эрскин, Беверидж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Филология фанлари номзоди дисс...// ЎзФА, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. – Тошкент, 2002. Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. номзод...дисс. – Тошкент, 2003. Юлдашев Т.Қ. Навоий ва Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган асарларидаги шаръий атамаларининг лисоний таҳлили. Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. //ЎЗР. Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги. ТДШИ. – Тошкент, 2003. Холмонова З.Т. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Филология фанлари доктори... дис. автореферати: 10.02.01 // Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. – Тошкент, 2009. Абдуллаева М.Д. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. Ҳошимова Д.М. “Бобурнома” асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари ҳамда “Бобурнома” танқидий матнининг япон нашрлари мисолида. Филол. фан. номзоди...дисс. // ЎЗР. Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги. Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ. – Тошкент, 2006. Сулоймонов И. “Бобурнома”да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг бадиий тасвири: филол...фан..док (Ds). дисс. – СамДУ. 2020.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида биографик ёндашувга оид фикрларнинг назарий асосларига қиёсий жиҳатдан эътибор қаратиш;

Ўзбек, инглиз ва рус тарихий-бадиий манбаларида Бобур биографиясининг ёритилишини жаҳон адабиёти контекстида текшириш;

Ғарб адабиётшунослигида яратилган бадиий асарларда Бобур ҳаёти саҳифаларининг акс эттирилишини биографик ёндашув тамойиллари орқали очиб бериш;

янги давр ўзбек адабиётида яратилган бадиий асарларда акс эттирилган Бобур биографиясини тарихий манбалардаги маълумотлар билан қиёсий аспектда текширишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бобурнинг “Бобурнома”, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Ҳасанбек Румлунинг “Аҳсан ат-таворих”, Худоёрхонзоданинг “Анжум ат-таворих”, Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Х.Султоновнинг “Саодат соҳили”, Ҳ.Ламбнинг “Бобур – йўлбарс”, Ф.Вюртленинг “Андижон шахзодаси” сингари тарихий-бадиий асарлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини тарихий-бадиий манбаларда Бобур образи талқинига биографик ёндашув ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, герменевтик, аналитик, психологик ва комплекс таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жаҳон адабиётшунослиги ва тарихшунослигида биографик методга муносабат масаласи, тарихий шахс образи яратилган бадиий асарларда ушбу методдан кенг фойдаланиш, унинг афзаллик жиҳатлари ижодкорларнинг мақсадини тўғри англаши, муаллифнинг таржимаи ҳоли ўзи яратган бадиий асарга, образлар тасвирига таъсир этиши, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойилларининг намоён бўлиши каби хусусиятлар орқали асосланган;

ижодкорнинг қаҳрамонлар характери, фазилатлари, маълум воқеликка муносабатида ўз шахсиятига хос унсурларни акс эттириши бу хотирнома, эсдалик, йўл хотиралари, саёхатнома жанридаги бадиий асарларда ифода топиши биографик ёндашув воситасида далилланган;

Бобур ҳаёти ва ижоди ёритилган илмий, тарихий-бадиий манбалар даврий жиҳатдан таснифланиб, Гулбаданбегим, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, Ҳофиз Кўҳакий, Хондамир, Ҳасанбек Румлу, Худоёрхонзода сингари муаррихларнинг тарихий асарлари инглиз ва ўзбек адабиётида яратилган бадиий асарлар билан қиёсий аспектда очиб берилган;

Ж.Лейден, У.Эрскин, А.Беверез сингари тарихчи ҳамда Ҳ.Ламб, Ф.Вюртле каби Ғарб адиблари асарларида Бобурнинг шоир, носир, буюк саркарда, давлат арбоби, халқ манфаатини ўз манфаатларидан устун қўювчи

миллат сардори сифатидаги бадиий образи, унинг шахсияти каби фазилатлар биографик метод тамойилларига таяниб далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи, Х.Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссасида тасвирланган Бобурнинг ҳаёт йўли, биринчи навбатда, “Бобурнома” мемуари, қолаверса, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Гулбаданбегим, Хондамир сингари муаррихларнинг хотиралари билан қиёсланган ҳолда биографик ёндашув орқали асосланган;

Ф.Вюртленинг “Андижон шахзодаси” қиссаси кўпроқ болаларга мўлжаллаб ёзилганлиги; унда Бобурнинг жасорати, ҳар қандай қийинчиликка чидам ва матонат билан жавоб қайтарадиган, урушдан чарчаган Ғарб учун адолатли сиёсат ва бирдамлик билан халқ фаровонлигини ярата олган шижоатли йўлбошчи сифатидаги образи яратилганлиги бадиий парчалар орқали очиб берилган;

Ҳ.Ламбнинг “Бобур – йўлбарс” асарида шоҳ ва шоир ҳаёти саҳифаларининг тўлиқ ёритилганлиги, америкалик ёзувчининг таржимаи ҳоли ҳамда у яратган Бобур образи ўртасида алоқадорлик биографик метод асосида ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий-типологик, герменевтик, аналитик, психологик ва комплекс таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тарихий шахс образини яратиш ва унга биографик ёндашув, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима уйғунлиги сингари жиҳатларни ёритишда, қиёсий адабиётшунослик ва тарихшуносликнинг ривожланиш қонуниятларини далиллашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида “Янги ўзбек адабиёти тарихи”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Жаҳон адабиёти тарихи”, “Жаҳон тарихи”, “Ўзбекистон тарихи” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, адабиётшунослик терминлари луғатини такомиллаштиришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарихий-бадиий манбаларда Бобур образи талқинига биографик ёндашув бўйича эришилган илмий натижалар асосида:

жаҳон адабиётшунослиги ва тарихшунослигида биографик методга муносабат масаласи, тарихий шахс образи яратилган бадиий асарларда ушбу методдан кенг фойдаланиш, унинг афзаллик жиҳатлари ижодкорларнинг мақсадини тўғри англаши, муаллифнинг таржимаи ҳоли ўзи яратган бадиий асарга, образлар тасвирига таъсир этиши, тарихийлик, ҳаққонийлик

тамойилларининг намоён бўлиши каби хусусиятлар орқали асосланган илмий хулосалардан ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 18 январдаги 17.01/211-сонли маълумотномаси). Натижада Бобур ҳаёти ва ижодининг жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигидаги аҳамиятини асослаш имконини берган;

Бобур ҳаёти ва ижоди ёритилган илмий, тарихий-бадий манбалар даврий жиҳатдан таснифланиб, Гулбаданбегим, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, Ҳофиз Кўҳакий, Хондамир, Ҳасанбек Румлу, Худоёрхонзода сингари муаррихларнинг тарихий асарлари инглиз ва ўзбек адабиётида яратилган бадий асарлар билан қиёсий аспектда очиб берилган илмий хулосалардан ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 18 январдаги 17.01/211-сонли маълумотномаси). Натижада инглизчада Фарб, ўзбек насри ҳамда тарихий манбаларда ифода этилган Бобур образи талқинидаги муштарак ва ўзига хос жиҳатларни аниқлаш имконини берган;

ижодкорнинг қаҳрамонлар характери, фазилатлари, маълум воқеликка муносабатида ўз шахсиятига хос унсурларни акс эттириши бу хотирнома, эсдалик, йўл хотиралари, саёҳатнома жанридаги бадий асарларда ифода топиши биографик ёндашув воситасида далилланганлигига доир хулосаларидан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Саккизинчи мўжиза”, “Адабиёт бўстонида” кўрсатувларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 22 сентябрдаги 1/242-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг Бобур биографияси бўйича хулосаларини бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, республика ҳамда хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий

янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Адабиётшуносликда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий фаолиятига биографик ёндашувнинг устуворлик жиҳатлари**” деб номланган ва икки фаслни ўз ичига олади. Дастлабки фасл “**Ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида биографик ёндашувга оид қараешларнинг назарий асослари**” тадқиқига бағишланган. Бунда биографик метод тадқиқига бағишланган ишларни 2 гуруҳга бўлиб тасниф этилган:

1. Жаҳон адабиётшунослигида амалга оширилган тадқиқотлар.
2. Ўзбек адабиётшунослигида амалга оширилган тадқиқотлар.

I. Жаҳон адабиётшунослигида биографик метод бўйича амалга оширилган Шарл Огюстен де Сент-Бёв, Андре Моруа, Жон Голсуорси, Л.Тимофеев, С.Тураев, Ф.Наркирьер, Ю.Борев, О.Шоронова, Ю.Лотманларнинг тадқиқотларига⁶ муносабат билдирилган. Биографик метод адабиётшуносликда кенг қўлланиладиган таҳлил усули бўлиб, ушбу усулнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бунда асар моҳиятини, қаҳрамонлар характери таҳлил қилишда муаллиф ва унинг ҳаёт йўли бирламчи манбалардан бири сифатида инобатга олинади. “Биографик методда бадиий асар орқали муаллифнинг ижодини баҳолаш ва таҳлил қилишда унинг биографиясига, ҳаёт йўлига асосий мезон сифатида қаралади”⁷. Сабаби, ёзувчининг ҳаёт йўли, шахсияти, характери, бошидан кечирганлари ва шахсий фазилатлари, албатта, унинг асарларига, у яратган бадиий образларга кўчади. Биографик метод маълум асар муаллифининг эмас, балки шу асарни ўрганаётган тадқиқотчи олим иш юритадиган йўл, усулдир. Сент-Бёв мазкур методни илк бор илмий асослаб берган. “Мени ҳар доим хатлар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг ўзига хос турли фазилатлари, маънавий-руҳий қиёфаси; бир сўз билан айтганда – машҳур ёзувчиларнинг биографиясини ўзига жалб этиб келди”⁸, дея уларнинг шахсий ҳаёти ва улар яратган қаҳрамонларнинг ҳаётини қиёслашга қизиққанлигини айтади. Рус адабиётшунослигида, айниқса, И.Тургенев, А.Чехов, Л.Толстой асарларини биографик метод орқали ўрганиш бўйича катта муваффақиятларга эришилган. Таниқли рус адабиётшуноси ва ёзувчиси Юрий Борев бадиий асарларни биографик метод асосида ўрганиш масаласига “бадиий асарни ёзувчи шахси орқали ўқиш услуги”, – деб таъриф беради⁹.

II. Ўзбек адабиётшунослигида амалга оширилган ишлар. Ўзбек мумтоз адабиётида яратилган хотирнома, эсдалик, йўл хотиралари, саёҳатнома

⁶ Моруа А. Оноре де Бальзак. – Жаҳон адабиёти. – 1999. – №8. – Б. 123-135; Наркирьер Ф. Андре Моруа. – М., 1974. – С.199-200; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. – М., 1981. – С. 51-56; Лотман Ю.М. Пушкин. Биография писателя. Статьи и заметки. «Евгений Онегин». Комментарий. – Санкт-Петербург: Искусство – СПб, 1995. – 847 с.

⁷ Тимофеев Л.И., Тураев С.В. Словарь литературоведческих терминов. – М: Просвещение, 1974. – С. 37.

⁸ Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. – М.: Художественная литература, 1970. – С. 313.

⁹ Борев Ю.Б. Искусство интерпретации и оценки: Опыт прочтения «Медного всадника». – М., 1981. – С. 56.

жанри ва шу мавзудаги асарларда ҳам биографик ёндашувни кўришимиз мумкин. XX аср ўзбек адабиётшунослигида ҳам ёзувчи ва олимларнинг адабий портретларига бағишланган рисолалар, биографик ўрганиш муаммоларига қаратилган тадқиқотлар яратилган. Таъкидлаш керакки, бадиий асарларни биографик ёндашув асосида ўрганиш И.Султон, О.Шарафиддинов, Н.Каримов¹⁰ сингари олимларнинг тадқиқотларида кузатилади. Қолаверса, ўзбек адабиётшунослиги тарихида А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртактлар”, Ойбекнинг “Болалик”, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола”, Саид Аҳмаднинг қамоқхона ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялари ва бошқа кўплаб асарларни биографик ёндашув асосида ўрганиш тажрибаси ҳам мавжуд¹¹. Академик Н.Каримов Миртемирнинг “Сурат” достонини биографик ёндашувга таяниб таҳлил этган¹². Бу даврдаги бадиий асарлардаги образлар, айниқса, тарихий шахсларни таҳлил қилишда уларнинг ҳаёт йўлини чуқур ўрганиш алоҳида эътибор талаб қилади. Чунки ҳар қандай шахс – тарихий жараёнларнинг натижасидир. Истиқлол даврида биографик метод бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, бу йўналишда А.Расулов, М.Қўшжонов, Б.Йўлдошев, Н.Раҳимжонов, Д.Қуронон, Б.Карим, У.Жўрақулов, Ш.Ҳасанов каби олимларнинг ишларида¹³, шу билан бирга, Ж.Ражабова, Н.Орипова, О.Адизоваларнинг мақола ва диссертацияларида муайян илмий кузатишлар мавжуд.

Бобнинг иккинчи фасли *“Ўзбек, рус ва инлиз тарихий-бадиий манбаларида Бобур биографиясининг ёритилиши масаласи”* тарзида номланган. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида Заҳриддин Муҳаммад Бобур биографиясини ўрганиш шоҳ ва шоирнинг ўзи яшаган даврдан бошланиб, бугунги кунга қадар давом этмоқда. Шу боисдан ҳам бу манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) Бобур яшаган даврда яратилган манбалар; 2) Бобурдан кейинги мумтоз адабиётда яратилган асарлар; 3) янги давр ўзбек бобуршунослигидаги қилинган тадқиқотлар.

¹⁰ Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар. “Машҳур кишилар ҳаёти” туркумидан. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 256 б.; Истеъдод ва эътиқод. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 208 б.; Каримов Наим. Ойбек. (Машҳур ўзбек адибининг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар). Ажойиб кишилар ҳаёти. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 200 б.; Усмон Носир. Ҳаётини лавҳалар, ҳужжатлар, ривоятлар. – Тошкент: Шарқ, 1993. – 208 б.

¹¹ Карим Баҳодир. Биографик метод. / Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 175.

¹² Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 376-388.

¹³ Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб... – Тошкент: Маънавият, 1998; Ардоқли қалб. Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 128 б.; Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006; Ўзлик сари йўл. Адабий портрет. – Тошкент: Адиб, 2012. – 40 б.; Қўшжонов Матёқуб, Мели Суван. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 136 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари (60-70-йиллар): Филол. фан. доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 42 б.; Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008. – 262 б.; Қодирийшунослик қирралари. Эсселар. 1-китоб. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 204 б.; Қуронон Д. Биографик метод / Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002; Карим Баҳодир. Биографик метод. / Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 168-178; Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. Илмий-адабий мақолалар. – Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.; Ҳасанов Ш. Биз билмаган Айний. Ижодкор шахсияти ва воқелик талқини. – №5 (09). – Тошкент: “Адабиёт” газетаси, 2018 йил, 29 март. – Б. 7.

1. Бобур яшаган даврда яратилган манбалар. Бу даврда яратилган асарлар тарихий-бадий характерга эга. Бобур ҳақида энг кўп ва энг аниқ маълумотларни берувчи асар шубҳасиз “Бобурнома” бўлса, Бобурни кўриб, бевосита мулоқотга қиришган шахс сифатида у ҳақида қимматли фактлар келтирилган манбалар сифатида Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома”, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” сингари асарлар биографик ёндашув асосида. Гулбаданбегимнинг қайд этишича, бобурийзода Акбар ўз салтанати, хонадони тарихини абадийлаштириш мақсадида саройидаги барча олимларга, қариндош-уруғларига “Бобур подшоҳ ва Хумоюн подшоҳ даври ҳақида “нимаики билсангиз, ёзингиз” деб ҳукм қилган”¹⁴. Шу боис Гулбаданбегим отаси ва укаси тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи китоб битишга қарор қилган. Тадқиқотда Бобур ҳақида темурийлар даври етук тарихчиси Хондамир ҳам қимматли маълумотларни келтирганлиги изоҳланган. Хондамир 1524 йилгача Бобур билан гоҳ Балх яқинидаги юришлар даврида, гоҳ Ҳиротдаги сафавий ҳукмдорлар номидан Қобулга элчи сифатида бориб учрашади. У 1527 йил Ҳиротни тарк этиб, Ҳиндистонга боради. 1528 йил охирларида Аграга келади ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур хизматида қабул қилинади¹⁵. Бобур вафотидан кейин унинг ўғли Хумоюн Мирзо хизматида бўлади. Хондамирнинг энг йирик асари “Ҳабиб ус-сияр” 1520-1524 йиллар мобайнида ёзилган ва Бобур ҳаёти ва шахсияти ҳақида қимматли маълумотларни келтирилган¹⁶. Бобурнинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарида ҳам Бобур биографияси билан боғлиқ кузатишлар мавжудлиги мисоллар орқали очиб берилган. “Тарихи Рашидий” Заҳириддин Муҳаммад Бобур биографияси ҳақида маълумот берувчи ўз даврининг энг муҳим тарихий манбаларидан биридир. Бунинг асосий сабаби – “Бобурнома”нинг йўқолиб қолган ёхуд бизгача етиб келмаган қисмларида тушиб қолган 18 йиллик тарихий жараёнлар, шу йиллардаги Бобурнинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотларни биз айнан Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг китобидан топишимиз мумкин.

2. Бобурдан кейинги мумтоз адабиётда яратилган асарлар. Тадқиқотда сафавийлар даври тарихчиси Ҳасанбек Румлуниг “Аҳсан ат-таворих” (“Тарихларнинг аълоси”, баъзи манбаларда “Энг гўзал тарих”) асарида Бобур биографиясининг ёритилиши ҳам таҳлил этилган. Бобурнинг Исмоил Сафавий билан муносабатлари, 1512 йилда шайбонийлардан мағлуб бўлиб, Ватанидан бутунлай айрилганлиги, Ҳиндистонда салтанат тузганлиги билан боғлиқ жараёнлар ўта аниқлик, синчковлик билан ёритиб берилган. “Анжум ат-таворих” (“Тарих юлдузлари”) асари Қўқон хони Худоёрхон (1845-1875 йилларда ҳукмронлик қилган)нинг ўғли Худоёрхонзода томонидан битилган. Унда Заҳириддин Муҳаммад Бобур даври, у ва ворисларининг Ҳиндистондаги

¹⁴ Гулбаданбегим. Хумоюннома. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 3.

¹⁵ Хондамир. Буюклик хислати. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 4.

¹⁶ Маънавият юлдузлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б. 250.

хукмронликлари, Олтин Бешик авлодидан Элик – Тангриёр Султон давригача бўлган тарих баён қилинади. Шу жихатдан “Олтин Бешик” ривояти таҳлилга тортилиб, Қўқон хонларининг барчаси ўз сулоласини орқали Бобур Мирзо билан боғлашлари таъкидланган¹⁷.

3. Янги давр ўзбек бобуршунослигидаги қилинган тадқиқотлар.

Бобуршунослик бўйича XX-XXI асрда қилинган тадқиқотлар қуйидагича таснифланган ҳолда қиёсланган: А) Бобурнинг ҳаёт йўли ва унинг амалга оширган ишлари ўрганилган тадқиқотлар; Б) “Бобурнома” ва бошқа илмий асарлар асосида қилинган тадқиқотлар; В) Бобур лирикаси бўйича қилинган фундаментал ишлар.

Рус шарқшунослигида Бобур ҳаёти ва ижодини илмий жихатдан ўрганишга бўлган қизиқиш баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича¹⁸, Россиянинг Ўрта Осиё ва Ҳиндистон билан олиб борган иқтисодий алоқалари натижасида пайдо бўлган. Атоқли рус ёзувчиси И.С.Тургенев ўзининг “Пунин ва Бабуриин” қиссаси бош қаҳрамонларидан бири Бабурииннинг келиб чиқишини зодагон табақага боғлар экан: “У хинд шоҳи Бобур оқсуякка бориб тақалади”¹⁹ – деган фикрни айтади. Бундан маълум бўладики, XIX аср рус адабиёти учун Бобур нотаниш ном эмас эди. Шу жихатдан Георг-Якоб Кер, О.И.Сенковский, В.В.Григорев, И.Н.Березин, Н.Ильминский, В.В.Велямин-Зернов, А.Самойлович, қолаверса, Г.Благова, И.Стеблева ва А.Самойловичларнинг илмий изланишлари туфайли XX аср Россия шарқшунослигида янги босқичга кўтарилди.

Инглиз бобуршунослигида амалга оширилган Ж.Лейден, У.Эрскин, А.Бевередж, Р.Калдекот, Ф.Талбот, Л.Кинг, У.Такстон каби олимларнинг ишларига муносабат билдирилган²⁰. Жумладан, инглиз шарқшунослигида Бобур ва “Бобурнома”ни тадқиқ этишни биринчилардан бўлиб бошлаб берган шарқшунос олим Жон Лейдендир. У 1794 йилда инглиз миссияси сафида Ҳиндистонга йўл олади. Айнан шу пайтда унинг қўлига “Бобурнома” нусхаси тушиб қолади. У улкан ва бой салтанат асосчисининг хотирномасига бўлган катта қизиқиши туфайли асарни инглиз тилига таржима қилишни бошлайди. Бироқ Лейден бошлаб кетган “Бобурнома” таржимасини бошқа бир шарқшунос, асли келиб чиқиши шотландиялик олим Уильям Эрскин давом эттиради ва нашрдан чиқаради. Шу асосда “Бобурнома”нинг илк инглиз тилидаги нусхаси пайдо бўлди ва 1826 йилда Лондонда чоп этилади²¹. Бугунги кун бобуршунослик илмида бу таржима вариант “Лейден-Эрскин”

¹⁷ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2014. – Б. 3.

¹⁸ Уляпицкий В.А. Сношения России со Средней Азией и Индией в XVI-XVII вв. – М., 1889. – С. 3.

¹⁹ Тургеневский сборник. Под редакцией Н.К.Пиксанова. – Петроград, 1915. – С. 132.

²⁰ Caldecott R.M. The life of Baber, Emperor of Hindostan. London: James Darling, 1844. – P. 339. Ас-Салом Ф., Отахон. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент, 1996. – Б. 7-374. Teshaboyeva Z.. A comparative analysis of Phraseological Units in Baburname and Their different English translations. Philology matters: Vol. 2019: Iss. 1, Article 12.

²¹ Leyden John. Memoirs of Zehir Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan. – London, 1826. – P. 432.

таржима нусхаси деб аталади²². Ушбу фаслда Аннета Беверидж ва бошқа инглиззабон бобуршунослар томонидан амалга оширилган “Бобурнома”нинг тадқиқ қилиниши билан боғлиқ кузатишларга ҳам эътибор қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жаҳон адабиёти ва тарихида Бобурга бағишланган асарлар талқинида биографик ёндашув”** деб номланган ва икки фаслни ўз ичига олади. Дастлабки фасл “Ҳарольд Ламбнинг “Бобур – йўлбарс” асарида Бобур биографияси ифодаси” муаммосини тадқиқ этишга бағишланган. Маълумки, бобуршунослик илмининг Америка мактабини бошлаб берган шарқшунос олим ва ёзувчи Ҳарольд Ламбдир. Ижодкор бутун умри давомида тўплаган ҳаётий тажрибасини; фарзандлари, ёш авлодга айтмоқчи бўлган фикрларини айнан Бобур ҳаёти ва фикрлари орқали етказишга қарор қилади. Зеро, Ю.Борев таъбири билан айтганда “Ижодкорнинг шахсий ҳаёти унинг ижодини талқин қилишда асосий калит вазифасини ўтайди”²³. “Babur the Tiger: First of the Great Moguls” асари муаллифнинг сўнгги китоби бўлиб, Ҳарольд Ламб вафот этган 1962 йилда нашр этилган²⁴. Асар жонкуяр олим Ғофуржон Сатимов саъй-ҳаракатлари билан таржима қилиниб, 2015 йилда “Бобур – йўлбарс” номи билан ўзбек китобхонларига тақдим этилди. Ҳ.Ламб асар номлашда Бобур ва бобурийларга нисбатан жаҳон шарқшунослигида қўлланиладиган “мўғул” этнонимини қўллаган. Аммо асар муқаддимасидаёқ Бобурни “...дунёга танилган туркий қавмларнинг машҳур сардори Амир Темур авлодларидан эди”²⁵ дея эътироф этиши, Бобурнинг юлдузлар ҳаракатининг аниқ ҳисобчиси Мирзо Улуғбекнинг издоши, дея таърифлаши диққатга сазовордир. Муаллиф ўз китобида шоҳ ва шоирнинг таржимаи ҳолидаги маълум бир давр ёки воқеликни эмас, балки унинг бутун ҳаёти – туғилганидан то вафотига қадар босиб ўтган хронологик жараённи акс эттирган. Бироқ шу қаторда тарихийликдан чекинилган ўринлар ҳам бор. Хусусан, шоҳ ва шоир туғилгач, унга Бобур исмининг берилиши, Самарқанд тахтини иккинчи марта бой бериб, шаҳарни тарк этиши, айрим жой ва шахс номларини тасвирлашда номутаносибликларга дуч келиш мумкин. Таҳлиллар давомида олти асрдан бери баҳсга сабаб бўлиб келган Бобурнинг эгачиси Хонзодабегим тақдири билан боғлиқ кузатишлар ҳам Ҳ.Ламб назаридан четда қолмаган. У асарда “Укасига ҳамisha садоқат билан хизмат қилган Хонзодабегим ўз ихтиёри билан Шайбонийхон ҳузурида қолгандай туюлади”²⁶ – деб ёзади ва Бобурнинг ўз опасини душманга топшириб, ўз ҳаётини сақлаб қоладиган инсон эканлигига ишонмайди. Бу талқин “Бобурнома” асаридаги фикрлар билан уйғун. Ҳарольд Ламб “Бобур – йўлбарс” асарида бош қаҳрамонининг энг кўп урғу берилган хусусияти – унинг барчага шафқатли ва саховатпешалигидир. У Бобур шахсиятини замондошларига, сиёсатини давлат арбобларига,

²² Ас-Салом Ғ., Отаҳон Н.. Арслон. “Халқ сўзи” газетаси, 1994 йил, 11 январь. – С. 12.

²³ Борев Ю.Б. Искусство интерпретации и оценки: Опыт прочтения «Медного всадника». – М., 1981. – С. 56.

²⁴ Lamb H. Babur the Tiger: First of the Great Moguls. – New York: Garden city, 1961. – P. 351.

²⁵ Ламб Ҳ. Бобур – йўлбарс. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 7.

²⁶ Ламб Ҳ. Бобур – йўлбарс. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 69.

байналминал ижодини шоиру олимларга ўртак қилиб кўрсатади. Қолаверса, асарни биографик метод асосида таҳлил қилганимизда муаллиф ҳаёти ва у яратган Бобур образи ўртасидаги боғлиқликни ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, Ҳарольд Ламб шоҳ ва шоирнинг жаҳонгашта ва юрт кезишга бўлган иштиёқини шахсий қизиқишлари билан боғлайди. Ҳарольд Ламб ўз кўзлари билан кўрган воқеликлар, қадимги шаҳарлар ва табиат манзараларини “Бобур – йўлбарс” биографиясида қаҳрамонлар тилидан, уларнинг сўзлари орқали ифодалайди. У 1961 йил Эрон империясининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш тантаналарида иштирок этиб, форс шоҳи ҳузурида бир қанча муддат меҳмон бўлади²⁷. Ана шу вақтда Эрон маданияти, қадимий шаҳарлари, музейлари ва бошқа диққатга сазовор масканларида бўлади, халқнинг маданий-тарихий меросини ўрганиш имкониятига эга бўлади. Шу жиҳатдан “Бобур – йўлбарс” асарининг “Олим-у фозиллар, моҳир санъаткорлар” боби муаллифнинг ана шу ўз кўзи билан кўрган ҳодисаларнинг бадиий талқини сифатида юзага келган. Хусусан, империя юбилейи доирасида ташкил этилган миниатюра кўргазмасидаги таассуротларини худди XV-XVI аср манзарасидек тасвирлайди: “Миниатюра санъатининг асосчиси ҳисобланган Камолиддин Бехзод импрессионистик услубдаги миниатюра асарларида инсон шаклида ифодалаб берган, Унинг расмларидаги отлар бинафшаранг, қора ва оқ рангларда жилоланиб туради”²⁸. Қаҳрамонининг юқоридаги мақсад-муддаосидан келиб чиққан ҳолда, ўзининг таржимаи ҳолида ижод қилишга бўлган рағбатини қуйидагича баҳолайди: “Ҳаёт гўзал, қачонки инсон хоҳлаган жойига бора олса, хоҳлаган нарсаси ҳақида ёзиш имкониятига эга бўлса. Асосий бахт эса бошқа инсонлар сенинг ёзганларингдан завқ топса”²⁹. Қолаверса, у ўз автобиографиясида боғбонлик илмига юксак қизиқиши борлиги, бу соҳада ҳам кўникмаларга эга бўлганини ёзади. Ана шу жиҳатдан Бобурнинг Кобулдаги ислохотларини тасвирлар экан, унинг яратувчанлик қобилиятини ҳам алоҳида таъкидлаб, “Сув йўллариини ўрганиш ва дарахтлар экиб, боғ яратиш борасидаги ишларга қизиқиши унга “Боғбон подшоҳ” деган ном келтирди”³⁰, – деган хулосани айтади. Бобурнинг иккинчи фасли **“Бобур ҳаёти саҳифалари Ф.Вюртле бадиий талқинида”** деб номланган. Бу фаслда немис адабиётида бобуршунослик мавзусини бошлаб берган шарқшунос олим ва ёзувчи Фрис Вюртле (Woertle Fric)нинг “BABUR, DER TIGER” (“Бобур – йўлбарс”) асари таҳлил этилган. Маълумки, ушбу саргузашт-қисса 1947 йилда Австрия пойтахти Вена шаҳридаги “С.Жсргл & Со” нашриётида чоп этилган. Китоб истиқлол йилларида “Бобур” Халқаро фондининг саъй-ҳаракатлари билан топилди ва немис тилидан таржимон Янглиш Эгамова томонидан ўзбек тилига ўтирилди ва “Андижон шахзодаси” номи билан 2011 йилда нашр этилди. Қиссанинг асл нусхаси Андижондаги

²⁷ Ламб Ҳ. Бобур – йўлбарс. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 6.

²⁸ Ламб Ҳ. Бобур – йўлбарс. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 133.

²⁹ <http://www.haroldlamb.com/bio>

³⁰ Ламб Ҳ. Бобур – йўлбарс. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 188.

Бобур халқаро фонди музейида сақланмоқда. Фрис Вюртле қиссинг кириш қисмида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Ушбу асарнинг қаҳрамони XVI асрда яшаган ва ҳукмронлик қилган ёш Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У 11 ёшида Фарғона ҳукмдори бўлди. Ҳиндистонда узоқ ҳукмронлик қилган сулолага у асос солган. Бобур ўз бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўз она тили, туркий-чиғатойда бир китоб ёзган. Китоб “Бобурнома” деб аталади ҳамда қўлингиздаги қисса ушбу асар асосида яратилган”³¹. Ўн икки ёшни қаршилаган шахзоданинг ота ўлимидан сўнг бошланган таҳликали ҳаёти, XV аср охирида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият, тахт учун курашлар, Бобурнинг садоқат ва хиёнат олдидаги имтиҳонлари ҳақида муаллиф ўз тасавури, мавзуга оид билими ва тажрибаси доирасида баҳо беради. Қиссада тасвирланган Бобурнинг шахсияти, ҳаёт йўлларидаги қийинчиликларга жавоби фақатгина адабиётда аввалдан мавжуд бўлган прототип эмас, балки Фрис Вюртле дунёқараши ва тасаввурининг, унинг Бобур биографиясига муносабатининг натижасидир. Бобурнинг ички қиёфаси, хатти-ҳаракатлари ва атрофдагиларга бўлган муносабати тасвирларида европалик дворянлар оиласининг вакили, рицарь сифатидаги ғарбона талқин ҳам кузатилади. Асарнинг яна бир ўзига хос жиҳати, “Ф.Вюртле ўз асарини болаларбоп, яъни болалар адабиётига хос тарзда яратган”³². Ҳақиқатдан ҳам, қиссада 11-12 ёшли ўсмир боланинг тўсатдан зиммасига ўта оғир масъулиятни олиши, душманга қарши халқи ва қўшинини бирлаштириши ҳамда ҳар қандай қийинчиликка чидаб, мақсадидан бир қадамга ҳам чекинмаганлиги, хуллас, беқиёс жасорати бадиий лавҳаларда ифодалаб берилган. Бобур шахсияти ва характери билан таниш бўлган Ф.Вюртле уни яхши тарбия кўрган, довюрак, ота насиҳатларидан чиқмайдиган, элпарвар, ёш бўлса-да, юрт тинчлиги учун курашдан кўрқмайдиган жасур инсон сифатидаги фазилатларига алоҳида урғу беради. Қиссинг 1947 йилда ёзилганлиги, асарга бош қаҳрамон қилиб айнан Шарқ йўлбарси Бобурнинг танланишида Ф.Вюртленинг аниқ сабаблари бўлганлиги тайин. Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йиллар)дан кейинги Европадаги вазият, урушнинг инсоният бошига келтирган уқубатлари, немис халқининг фашизм балоси ортидан чеккан азоблари бу мавзунинг кўтарилишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Чунки қиссада муаллиф Бобурни доимо тинчлик тарафдори, инсонпарварлик ва кечиримлилик дин, миллат, ижтимоий қатлам, ёш-у жинсга боғлиқ эмаслигини кўрсата олувчи фигура, душманни енгишнинг энг зўр усули – зиддиятни унутиб, у билан дўст тутиниш эканлигини исботлай оладиган характер даражасида тасвирлайди. Бутун дунёда халқлар фаровонлиги фақат дўстлик ва адолат ҳукм сургандагина ўрнатилиши мумкинлигини муаллиф уқтиришга уринади. У хоҳ зодагон, хоҳ оддий қатлам вакили; хоҳ ҳукмдор, хоҳ гадо – барча учун ягона қонуний тизим бўлгандагина инсонлар ўзлари

³¹ Woertle F., Babur, der tiger. – Vienna, S. Jsrgl & Co, 1947. – P. 101.

³² <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss1/4> Турсунов А. “Андижон шахзодаси” қиссасида Бобур образи поэтикаси. – Б. 4.

хоҳлаган жамиятни қуришлари мумкинлиги Вюртле замондошларига уқтиришга уринади. Зеро, қиссада муаллиф Бобурнинг устози Мирзо Уллоҳ тилидан айтганидек: “Адолат ҳеч кимни четлаб ўтмаслиги керак, акс ҳолда у адолат деб аталмайди”. Қисса сўнгида Бобур ўзининг азалий душмани билан дўст тутинади, шу орқалигина юртида фаровонлик ва саодат ўрнатади. Вюртле ҳам икки жаҳон урушидан толган Ғарбни, “фашист” тамғасини олган ўзининг немис халқини, шу жумладан, шахсан ўзини ҳам ҳамжихатликка, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилишга, гина-кудуратларни унутиб, фақат эзгулик томонга интилиш кераклигини тасвирлайди. Зеро, қиссада келтирилган Умаршайх Мирзо васиятномасида айтилганидек: “Тинч мамлакат – бахтли мамлакатдир”³³. Биографик методнинг илк тадқиқотчиларидан бири А.Моруа асар ва муаллиф ҳаёти боғлиқлигини таъкидлаб айтганидек: “Дарахт қанақа бўлса, меваси ҳам шунақа бўлади”³⁴. Демак, Вюртле Бобурнинг ҳаёти ва шахсий сифатларини ўзига нисбатан бадиий-эстетик жиҳатдан яқин билган, ёзувчининг ижодий қарашлари дарахт бўлса, “Андижон шахзодаси” қиссаси унинг мевасидир.

